



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 31 » май

№ ПҚ–171

## Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–81-сон Фармониغا мувофиқ:

### 1. Қуйидагилар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги **фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида ўтказилаётган **ташкilotлар** фаолиятини ташкил қилиш **жадвали** 2-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида **янги ташкил қилинаётган тузилмалар** фаолиятини йўлга қўйиш **жадвали** 2а-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги **қайта ташкил қилинаётган тузилмалар** фаолиятини йўлга қўйиш **жадвали** 2б-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг **ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини **трансформация қилиш** бўйича “**йўл харитаси**” 4-иловага мувофиқ;

Экология, атроф-муҳит муҳофазаси, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаси** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга бириктирилган кўчмас мулк объектлари, транспорт воситаларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилсин.

**2.** Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ишларини амалга ошириш учун Вазирлик тузилмасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Ситуацион марказ** ташкил этилсин.

Белгилансинки, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларини жорий этиш учун Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг ҳар йили **3 фоиздан кўп бўлмаган** миқдордаги маблағлари ажратиб борилади.

**3.** Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) доирасида қабул қилинган мажбуриятларни бажариш, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифаларга эришиш ҳамда яшил трансформация, шу жумладан, “яшил сертификат” ва экологик маркировка тизимларини жорий этишга масъул бўлган Вазирликнинг умумий штатлари доирасида давлат муассасаси шаклидаги **Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази** ташкил этилсин.

**4.** Вазирликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**а) 2023 йил 1 июлга қадар** “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари ва ободонлаштириш бошқармаларига тегишли қаттиқ маиший чиқинди полигонлари **Вазирлик** тасарруфига ўтказилади ҳамда шу билан боғлиқ эгалик ҳуқуқини, шу жумладан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, бепул амалга оширилади;

**б) чиқинди чиқарувчи ташкилотлар** бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, шунингдек, бузиш ишлари бошланган даврдан бошлаб ушбу тадбирлар тугаллангунга қадар **қурилиш чиқиндилари** бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига топширади;

**в) 2025 йил 1 январга қадар** тиббиёт муассасалари, ветеринария ва фармацевтика соҳаси ташкилотларининг чиқиндилари бўйича қуйидаги тартиб босқичма-босқич жорий этилади:

чиқиндиларни йиғиш ва сақлаш соҳа ташкилотлари томонидан;

ушбу чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва утилизация қилиш санитар тозалаш корхоналари томонидан марказлашган ҳолда амалга оширилади;

г) **2026 йил 1 августдан бошлаб босқичма-босқич ушбу қарорнинг 6-7-иловаларида белгиланган товарларга нисбатан фойдаланиш хусусиятини йўқотганидан сўнг атроф-муҳитга зарар етказувчи айрим қадоклаш материаллари ва товарларни ишлаб чиқарувчи (экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно) ҳамда республика ҳудудига импорт қилувчиларнинг “кенгайтирилган мажбурияти” тизими жорий этилади;**

д) **2023 йил 1 июлдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун вужудга келган дебитор қарздорликни мажбурий тартибда ундириш учун суд органларига даъво аризалари санитар тозалаш хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан киритилади.**

**5. Вазирлик уч ой муддатда Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида экологик вазиятни яхшилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндисиз ҳудудга айлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.**

**6. 2024 йил 1 январдан бошлаб Бўстонлиқ ва Зомин туманларидаги туристик-рекреацион зоналарда экологик тоза ҳудуд** режими татбиқ этилсин.

**7. Вазирлик Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:**

**а) экологик тоза ҳудуд режимини жорий қилиш юзасидан:**

бир марталик пластик маҳсулотлар, шу жумладан, стаканлар, пластик найчалар, музқаймоқ таёқчалари, пахта таёқчалари, қадоклаш плёнкаси ва айрим турдаги полиэтилен пакетларини олиб кириш, **сотиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш;**

қишлоқ хўжалигида органик ўғитлардан фойдаланишни рағбатлантириш;

фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларни марказлаштирилган оқова сув тизимига улаш ёки муқобил тозалаш ускуналари билан **жиҳозлаш мажбуриятини киритиш.** Бунда, ушбу мажбуриятни бажармаган жисмоний шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваридан 100 бараваригача**, юридик шахсларга нисбатан – базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 бараваридан 300 бараваригача** бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллаш;

автотранспорт воситалари билан кириш учун экологик йиғим ундириш, бундан электромобиллар, махсус транспорт воситалари ва экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинган ҳудудда яшовчи фуқароларнинг автотранспорт воситалари мустасно;

экологик тоза ҳудуд режими татбиқ этиладиган ҳудудларнинг ташкил этилиши ҳамда бошқа шартлари ва **талабларини белгилаш**;

**б)** республика ҳудудида қалинлиги **100 микрондан кам** бўлган полимер плёнкали пакетларни (юқори зичликдаги полиэтилен (HDPE), ўрта зичликдаги полиэтилен (MDPE), паст зичликдаги полиэтилен (LDPE), ўрамли паст зичликдаги полиэтилен (LLDPE), кўп қаватли полиэтилен (COEX) **ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тақиқлаш юзасидан**. Бунда:

ушбу тартиб экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган, хўжаликда фойдаланиш учун рулонларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик чирийдиган полимер материаллардан тайёрланган пакетларга татбиқ этилмайди;

мазкур кичик банд талабларини бузиш табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик сифатида баҳоланади ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бунда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарари миқдори табиий муҳитга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби асосида аниқланади;

**в)** республикада сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ва вилоят марказларида сув айланма тизими мавжуд бўлмаган автомобиль ювиш шохобчалари фаолиятини ҳамда **янги автомобиль ювиш янги шохобчаларини** ташкил этишни тақиқлаш.

#### **8. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:**

Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари **8-иловада** белгиланган манбалардан шакллантирилади;

ғилдиракли транспорт воситалари, ўзинюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимининг **26 фоизи** Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

**9.** Мамлакатимиз аҳолисининг орасида экологик онг ва экологик маданият тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш ривожлантириш мақсадида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган муҳим саналар бўйича тадбирлар **9-иловага** мувофиқ календарь режа асосида республика бўйлаб юқори савияда ташкил этилсин.

Белгилансинки, ушбу тадбирларни ўтказишга тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

**10. Вазирлик 10-иловага мувофиқ халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.**

**11. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида амалга ошириладиган истиқболли беғараз кўмак (грант) лойиҳалари рўйхати 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Бунда, қўшимча келишувларсиз экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлига ҳамда унинг ўринбосарларига ушбу халқаро тадбирларда иштирок этишга рухсат берилади.

**12. Қуйидагилар:**

2023-2025 йилларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларидаги тизимли равишда ўтказиладиган **халқаро конференциялар, ассамблеялар ва тадбирлар рўйхати 12-иловага мувофиқ;**

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳамда халқаро молия институтларининг **кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган истиқболли лойиҳалар 12а-иловага мувофиқ;**

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларида амалга ошириш тавсия қилинадиган **инновацион бизнес ғоя ва стартап лойиҳалари рўйхати 12б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**13. Вазирлик 2023 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш ва ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш ҳамда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсияларини (Global Initiative on Food Loss and Waste Reduction) жорий этиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи “Оқилона истеъмол” дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:**

давлат органлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда озиқ-овқат истеъмолининг оқилона меъёрини белгилаш, ортиқча истеъмолни камайтириш, шу жумладан, бир шахсга бир марталик овқатланиш миқдорини белгилаш;

умумий овқатланиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ва истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан масъулиятини ошириш;

аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш одатларини шакллантириш ва ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш ҳамда меъеридан ортиқ истеъмолни тарғиб қилишни чеклаш;

исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан молиявий чоралар кўриш ва назорат механизмларини ўрнатиш.

**14.** Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларида **қоғоздан фойдаланишни кескин камайтириш**, айрим йўналишларда фаолиятни тўлиқ рақамлаштириш орқали қоғоздан **тўлиқ воз кечиш бўйича назорат ўрнатишга масъул** этиб белгилансин.

**15.** Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда волонтерларни жалб қилган ҳолда **2023 йил 1 июлдан** бошлаб бир ой давомида ҳудудларда дарахтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфальт қопламаларидан, уларни турли чироқ мосламаларидан, реклама баннери ва шитларидан бўшатишга қаратилган **“Дарахтга нафас беринг”** оммавий тадбирини ўтказсин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Вазирлик билан биргаликда доимий равишда аҳоли ўртасида дарахтларга бундай зарар етказиш тегишли жавобгарликка тортишга асос бўлиши тўғрисидаги ижтимоий роликлар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар орқали тушунтириш ишларини кучайтирсин.

**16.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Вазирлик билан биргаликда:

экология, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларига 2023 йилда **20 млн АҚШ доллари**, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили **100 миллион АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган** хорижий инвестицияларни жалб қилсин. Бунда, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигидан тегишли ходим Вазирликка амалий ёрдам бериш учун бириктирилади;

чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ва автоматик мониторинг тизимларини ўрнатиш учун хўжалик юритувчи субъектларга халқаро молиявий институтларнинг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали **100 млн АҚШ доллари миқдорида кредит** линияси очилишини таъминласин.

**17.** Вазирлик **бир ой муддатда** 2022–2026 йилларда Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш, инновациялар ва яшил технологияларни кенг жорий этиш бўйича қуйидаги асосий йўналишларни белгилашни назарда тутувчи миллий дастур бўйича ахборот киритсин:

**яшил қопламалар – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишни** изчил давом эттириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тизимли ривожлантириш;

илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмани яратиш, **илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва бошқа турдаги **ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш,** қайта тикланувчи ва **муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш;**

**аҳоли саломатлигини тиклаш, экологик туризмни ривожлантириш** имкониятларини кенгайтириш;

донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини кенг жалб қилиш бўйича **халқаро алоқаларни янада кучайтириш.**

**18.** Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимидаги ташкилотларни юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар билан тўлдириш ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида:

**а) 2023 йил 1 июлдан бошлаб** бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан:

халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 500 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларини тамомлаган (нострификация бўлган дипломга эга) шахсларга – лавозим маошининг **30 фоизи;**

илмий даражага (PhD, DSc) (тизимдаги илм-фан ва таълим соҳасидаги ташкилот ходимлари бундан мустасно) эга шахсларга – лавозим маошининг **60 фоизигача (PhD – 30 фоиз, DSc – 60 фоиз)** миқдорида қўшимча устама тўлансин;

**б) 2023 йил 1 июлдан бошлаб** муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар илмий ходимларига, шунингдек, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий ходимларига Фанлар академияси илмий ташкилотларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилсин;

**в)** Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалари ходимларига чегара ҳудудларига кириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома (давлат белгиси ва муҳрига эга бўлган – жетон ва ID карта) берилади.

Бунда, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси махсус гувоҳномага эга бўлган Вазирлик тизимидаги ходимларнинг республика чегара ҳудудларига эркин кириб чиқишини таъминласин.

**19. 2024 йил 1 мартдан бошлаб** экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинган ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларига **“экомахалла”, “экоқишлоқ”** ва **“экоовул”** мақоми берилади. Бунда, фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудда:

электр энергияси қуёш батареяларига алмаштирилади;  
 йўналишли электробус ҳаракатланиши йўлга қўйилади;  
 “яшил боғ” ва “яшил жамоат парк”лар ташкил этилади;  
 савдо шохобчаларида пластик пакетлар савдоси тақиқланади;  
 маиший чиқиндиларни саралаш, шунингдек, қайта ишланадиган чиқиндиларни қабул қилиш учун фондоматлар ўрнатилади;  
 “экомахалла”, “экоқишлоқ” ва “экоовул” мақоми ҳудудда яшовчи фуқаролар розилиги билан Вазирлик томонидан берилади.

**20.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда экспертлар ва жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда **экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмуни ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.** Бунда:

**а)** аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида:

атроф-муҳитга зарар етказмаслик, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, келажак авлодга экологик муаммолардан ҳоли бўлган шарт-шароит яратиш бериш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги;

иқтисодийнинг саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларида “яшил” технологияларни қўллаш орқали табиатга етказилаётган зарарни камайтириш имкониятлари;

жамоат транспортининг афзалликлари, шахсий автотранспортдан фойдаланишни камайтириш ва бунинг оқибатида келгусида экологик ҳолатнинг тубдан яхшиланиши;

маиший чиқиндиларни тўғри таснифлаш, саралаш ҳамда иккиламчи хомашё сифатида ажратган ҳолда қайта ишлаш учун топшириш, атроф-муҳит тозалигига ҳар бир фуқаронинг масъул эканлиги;

дарахтларни экиш, парваришлаш ва улар ноқонуний кесилишининг олдини олишга қаратилган амалий тадбирлар, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижаси;

она табиатга меҳр билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш, умумий ва шахсий масъулият ҳиссини уйғотиш ҳамда шакллантиришга доир турли кўрсатув, анжуманлар, давра суҳбатлари кенг ёритиб борилишини таъминлашга;

б) вазирлик ва идораларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг ижроси ва уларнинг қўшаётган амалий ҳиссаси, тадбиркорлик субъектларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун “яшил” технологияларни жорий этиш, маиший, қурилиш ҳамда бошқа турдаги чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш орқали бизнеснинг жамият олдидаги ролини кучайтириш юзасидан брифинглар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

**21.** Вазирлик мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, кундалик ва иш фаолияти давомида уларга зарар етказмаслик зарурлиги, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жавобгарлик чораларининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи Ўзбекистоннинг **“Экологик бренди”**ни яратсин ҳамда қисқа метражли роликлар ва ҳужжатли фильмлар яратиш ишларини ташкил этсин.

Белгилансинки, телерадиоканалларда эфирга узатиладиган мазкур роликлар ижтимоий реклама сифатида таснифланади ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ намойиш этилади.

**22.** Ўзбекистон Республикасининг **ягона ташқи экология сиёсатини** юритиш, **экологик брендини** тарғиб қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида мавжуд штат бирликлари доирасида:

Ташқи ишлар вазирлигида 3 та штат бирлигидан иборат бўлган **Экологик дипломатия бўлими;**

Вазирлик, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида 1–3 та штат бирлигидан иборат бўлган **экологик дипломатияга масъул тузилмалар** ташкил қилинсин.

**23.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

**а) 2024 йил 1 январдан бошлаб** инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни **2025 йил 31 декабрга қадар** фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиши шарти билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1 миллиард сўм миқдорида** қопланади. Бунда, йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 20 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қопланади;

### **б) 2026 йил 1 январга қадар:**

республика ҳудудига олиб кириладиган дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, фондомат, “банжи-жампинг” ва “зиплайн” аттракционлари, “рафтинг” ва “флайбординг” учун ускуналар, фотоовлашда қўлланиладиган жиҳоз ва асбоб-ускуналар, бошқариладиган (дирижабль, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, “buggy car”, фаэтон ҳамда электромоторли қайиқ, қорда ҳаракатланишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8703 10) ва квадроцикллар **божхона тўловларини тўлашдан** (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимидан ташқари) озод қилинади;

тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кириладиган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун **божхона тўловларини тўлашдан** (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинади;

**2024 йил 1 январдан бошлаб** экоҳудудларда Вазирлик ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахсларга мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслар томонидан тўланган **фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғининг 75 фоизи тегишли бюджетлардан қайтариб берилади.**

Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Маданият ва туризм вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин.

**24.** Давлат экологик назорати ва кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва камайтириш чораларини кўриш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида **“сирли мижоз”** институти жорий этилсин.

Вазирлик **бир ой муддатда** ушбу тизимни жорий этиш чораларини кўрсин.

**25.** Вазирлик Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** Янги Тошкент ҳудудида Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар, шу жумладан, **Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетини** ягона маъмурий мажмуа қурган ҳолда жойлаштиришни **назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.** Бунда:

**а)** Вазирлик биносининг лойиҳалаштирилиши Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

**б)** Вазирлик биносини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ қурилиш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида белгиланадиган маблағлар;

Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг кўчирилиши натижасида бўшайдиган биноларни аукцион савдолари орқали сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи (баҳолаш ва савдога чиқариш харажатларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–102-сон қарорига асосан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 13а-уйда манзилида жойлашган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази маъмурий биноси сотилишидан тушган маблағлар;

Экология жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

**в)** Университет ва Ўзбекистон давлат табиат музейи биноларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ қурилиш харажатлари 2024 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ҳолда молиялаштирилади;

**г)** мажмуа билан боғлиқ шаҳарсозлик ҳужжатлари Янги Тошкент ҳудудининг бош режаси лойиҳаси доирасида ва у билан тўлиқ уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилади;

**д)** Университет ётоқхонаси биносини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш билан боғлиқ харажатлар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида молиялаштирилади;

**е)** мажмуада “Санъат ва табиат” жамоатчилик маркази, турли галереялар ва экспозициялар ҳамда экомехмонхона жойлаштирилади, шунингдек, экологик тоза маҳсулотлар савдосига мўлжалланган савдо дўконлари фаолияти йўлга қўйилади.

**26.** Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**27.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

## **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

**а)** табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва иқлим ўзгариши соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**б)** табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат экологик назоратини юритиш;

**в)** ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

**г)** гидрометеорология хизматини ташкил этиш, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини юритиш;

**д)** табиатни муҳофаза қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантириш, экологик тарбия, тарғибот, таълим ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ташкил этиш;

**е)** “яшил” ўсиш тамойилларини жорий этиш, атроф-муҳитга зарарли ташланмаларни қисқартириш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш;

**ж)** табиатни муҳофаза қилишга рақамли технологияларни жорий этиш, мониторинг юритишда инсон омилини қисқартириш ва автоматлаштириш тизимини йўлга қўйиш;

**з)** экотуризм, ов ва сафари туризм соҳасини янада ривожлантириш, ўрмон хўжаликлари ва миллий табиат боғларининг (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно) имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда тегишли инфратузилма объектларини яратиш, хорижий ва ички сайёҳларга муносиб шарт-шароит яратиш ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

**и)** табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш учун таъсирчан чораларни қўллаш;

**к)** атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

**л)** амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг табиатни муҳофаза қилиш стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш ва қонуний чоралар кўриш;

**м)** юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

**н)** ўрмонлардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларнинг ер устида ва авиация ёрдамида қўриқланишини ташкил этишни назорат қилиш.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимига ўтказилаётган ташкилотлар фаолиятини ташкил қилиш жадвали

Т/р	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурига ўтказилаётган ташкилотнинг тўлиқ (расмий) номи	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурига ўтказилаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Оролбўйи халқаро инновация маркази” давлат муассасаси.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Оролбўйи халқаро инновация маркази” давлат муассасаси.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>ташкилий тузилмасига</b> унга ажратилган <b>штат бирликлари билан</b> киритилмоқда.
2.	Маданият ва туризм вазирлиги тизимидаги “Фарғона ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Фарғона ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>ташкилий тузилмасига</b> унга ажратилган <b>штат бирликлари билан</b> киритилмоқда.
3.	Маданият ва туризм вазирлиги тизимидаги “Термиз ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Термиз ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>ташкилий тузилмасига</b> унга ажратилган <b>штат бирликлари билан</b> киритилмоқда.
4.	Маданият ва туризм вазирлиги тизимидаги “Тошкент ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Тошкент ҳайвонот боғи” МЧЖ.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>ташкилий тузилмасига</b> унга ажратилган <b>штат бирликлари билан</b> киритилмоқда.

5.	Маданий мерос агентлиги тизимидаги <b>“Ўзбекистон давлат табиат музейи”</b> .	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги <b>“Ўзбекистон давлат табиат музейи”</b> .	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмасига унга ажратилган <b>штат бирликлари билан киритилмоқда.</b>
6.	“Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича <b>лойиҳа офиси.</b>	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича <b>лойиҳа офиси.</b>	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмасига, унга ажратилган <b>штат бирликлари билан бирга киритилмоқда.</b>
7.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги “Хавфсиз дарё бошқармаси” давлат муассасасининг вазифа ва функциялари ҳамда барча штат бирликлари билан бирга.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги <b>“Хавфсиз дарё бошқармаси” давлат муассасаси.</b>	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмасига, унга ажратилган <b>штат бирликлари билан бирга киритилмоқда.</b>
8.	Давлат мулки ҳисобланган барча ов хўжаликлари ва улар жойлашган ер ва мулклари	“Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти” давлат муассасаси ҳузуридаги <b>ов хўжаликлари.</b>	Ов хўжаликлари қўшимча мажбуриятлар оммавий савдолар орқали узоқ муддатли ижарага берилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида  
янги ташкил этилаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали

Т/р	Янги ташкил қилинаётган тузилманинг тўлиқ (расмий) номи	Қоидалар
1.	Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги қўйидаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг барча вазифа ва функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, шунингдек, бино-иншоотлари ва бошқа мол-мулклари тўлиқлигича <b>Университет тасарруфига ўтказилади:</b></p> <p>Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти;</p> <p>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази; “Эко-энергия” илмий татбиқ этиш маркази;</p> <p>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (филиали, 5 та илмий-тажриба станциялари, Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш инновацион маркази);</p> <p>Ўрмон хўжалиги техникуми;</p> <p>Тошкент гидрометеорология техникуми;</p> <p>Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти.</p> <p>Бунда Университет тизимига ўтказилаётган таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг амалдаги <b>молиялаштириш манбалари ва шартлари</b> сақлаб қолинади.</p>

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тузилмасида **Давлат экологик назорат инспекцияси** (кейинги ўринларда – Инспекция)

1) Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин: табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш учун таъсирчан чораларни қўллаш; атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг табиатни муҳофаза қилиш стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш ва қонуний чоралар кўриш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

Ўрмонлардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, Ўрмонларнинг ер устида ва авиация ёрдамида қўриқланишини ташкил этишни назорат қилиш;

Ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш, ўғирлаш, йўқ қилиш ва ўрмон тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа бузилишларидан муҳофаза қилиш, шунингдек, Ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш; юридик ва жисмоний шахслар томонидан дарахтларни кесиш ва ёғоч сотиш қоидалари бажарилиши, шунингдек, пичан ўриш, мол боқиш ва Ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

Ўрмон фонди ҳудудида ов қилиш қоидалари, нормалари ва муддатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назорат қилиш;

Ўрмон хўжалиги тизимини ривожлантириш концепцияси асосида белгилаб берилган топшириқлар, прогноз кўрсаткичлар, параметрлар ҳамда тасдиқланган “йўл харитаси” ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ижросини ўрганиш;

Ўрмон фонди ерлари, ижарага берилган ўрмон фонди участкаларини ҳисобга олиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, реестрини юритиш ҳамда ижарага берилган ўрмон фонди участкаларининг ижара тўлови, пеня, жарималарнинг ўз вақтида тўлиқ туширилиши устидан назорат қилиш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишларнинг ҳаққонийлиги ва натижадорлигини назорат қилиш;

республиканинг туман ва шаҳарларида атроф табиий муҳит давлат экологик мониторинги тизими натижаларидан фойдаланган ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.

2) Қуйидагилар Инспекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджети маблағлари;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги **Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази** (кейинги ўринларда – Иқлим маркази).

Вазирликнинг умумий штатлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги **Иқлим маркази** ташкил этилади.

1) Қуйидагилар Иқлим ўзгариши миллий маркази давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқаро ва миллий тадқиқотларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда хорижий давлатлар тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш асосида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг Миллий иқлим стратегиясини (National Climate Policy) ишлаб чиқиш, унинг ижросини мониторинг қилиш ва доимий равишда қўшимча таклифлар тайёрлаш;

ҳар икки йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси аτροφ-муҳит ҳолати тўғрисидаги Миллий маъруза лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этиш;

Париж битими доирасида олинган мажбуриятлар бўйича иқтисодиёт тармоқлари (энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший чиқиндилар) томонидан ташланаётган иссиқхона газларини миқдорий баҳолаш ва верификация қилиш орқали уларнинг миллий кадастрини яратиш;

миллий имкониятлар ва шароитлардан келиб чиқиб, иссиқхона газлари ажратмалари чиқарилишининг жадаллигини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш;

иқлим ўзгариши соҳасидаги инвестицияларни жалб этишнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, жумладан, углерод квоталари савдосини ривожлантириш ва “Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG)” принциплари асосида инвестиция лойиҳаларининг мониторингини юритиш;

яшил иқтисодиётга ўтиш, шу жумладан, “яшил сертификат” ва экологик маркировкалаш тизимларини жорий этиш;

		<p>вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича иқтисодий асослар ишлаб чиқиш ва ушбу соҳада консалтинг хизматларининг кўрсатилишини таъминлаш;</p> <p>иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари бўйича кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун илмий-оммабоп, таҳлилий материаллар тайёрлаш, иқлим соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини кенг оммалаштириш.</p> <p>2) Қўйидагилар <b>Иқлим маркази</b> фаолиятини <b>молиялаштириш манбалари</b> ҳисобланади:</p> <p>Давлат бюджети маблағлари;</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;</p> <p>қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.</p>
4.	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга давлат муассасаси шаклидаги <b>“Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси”</b> давлат муассасаси</p>	<p>Вазирликнинг умумий штатлари доирасида юридик шахс мақомига эга давлат муассасаси шаклидаги <b>“Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси”</b> давлат муассасаси ташкил этилади.</p> <p>Қўйидагилар <b>“Чиқинди полигонларни бошқариш дирекцияси”</b> давлат муассасаси фаолиятини <b>молиялаштириш манбалари</b> ҳисобланади:</p> <p>Давлат бюджети маблағлари;</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳамда хайриялари;</p> <p>қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.</p>
5.	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги <b>Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти</b></p>	<p>1) Қўйидагилар <b>Экотуризм</b> ва <b>овчиликни ривожлантириш</b> департаменти <b>Давлат муассасасининг асосий вазифалари</b> этиб белгилансин:</p> <p>илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини инobatга олиб ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилиши мумкин бўлган ҳар</p>

қандай зарарларнинг олдини олган ҳолда Миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

экоҳудудларнинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш;

экоҳудудларда ташриф буюрувчиларга кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш, шу жумладан, тоғли ва чўл ҳудудларда экстремал туризмни ривожлантириш ҳамда янги туризм хизматларини йўлга қўйиш, “Planting Tour” ва “Plogging Tour” каби экоҳаракатларни ташкил қилиш;

ҳар бир экоҳудуднинг ўзига хос бўлган брендини яратиш ҳамда тарғибот материаллари, жумладан, видеороликлар, тарқатма материаллар ишлаб чиқиш орқали уларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш;

экоҳудудларда осма дор йўллари, электромоторли қайиқ, қорда ҳаракатланишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва квадроцикллар, “банжи-жампинг” ва “зиплайн” аттракционлар, аэроstatлар, “рафтинг” ва “флайбординг”, ғилдирак ўстидаги уйлар ва ер ўсти транспорт воситалари хизматларини тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда йўлга қўйиш;

тоғли ва чўл ҳудудларда спеология, курортология, бальнеология ва балчиқ билан даволаш хизматларини йўлга қўйиш;

овга рухсат бериш ва ёввойи ҳайвонларни ов қилиш (шу жумладан, балиқ) учун квоталар бериш ва назорат қилиш хизматларини рақамлаштириш.

Вазирлик ҳузурида давлат муассасаси шаклида Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти ташкил этилади.

**2) Қўйдагилар** Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти давлат муассасаси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:


Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги қайта ташкил қилинаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали

№	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил қилинаётган ташкилотнинг тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил қилинаётган фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан ишларни амалга ошириш жамғармаси	Негизда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари <b>Экология жамғармаси</b> ташкил этилмоқда.	Экология жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари <b>Вазирлар Маҳкамаси қарори</b> билан белгиланади.
2.	Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		
3.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги “Миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси” давлат муассасаси	Негизда давлат муассасаси шаклида <b>“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти”</b> ташкил этилмоқда.	Унинг муассислигидаги <b>8 та миллий табиат боғлари</b> уларга ажратилган штат бирликлари <b>“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти”</b> давлат муассасасига ўтказилмоқда.
4.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги “Ўрмонлоийҳа” лойиҳалаш институти” давлат муассасаси	Негизда <b>“Яшиллоийҳа” лойиҳалаш институти”</b> давлат муассасаси ташкил этилмоқда.	Лойиҳалаш институти келгусида нафақат ўрмон хўжаликларини лойиҳалари, балки барча яшил ҳудудлар ва лойиҳалар бўйича шўғулланади.
5.	“Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат экспертизаси маркази” давлат унитар корхонаси	Негизда <b>“Давлат экологик экспертизаси маркази”</b> давлат муассасаси ташкил этилмоқда.	“Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>бюджетдан ташқари</b> маблағлари, <b>Экология жамғармаси</b> , шунингдек, <b>хўжалик фаолиятидан олинган маблағлар</b> ҳисобидан молиялаштирилади.

6.	<p>“Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази” давлат унитар корхонаси</p>	<p>Негизида <b>“Эко-Медиа” Давлат муассасаси</b> ташкил этилмоқда.</p>	<p>“Эко-Медиа” давлат муассасаси Вазирлик фаолиятини рақамлаштириш, мультимедиа ва <b>“Call”</b> маркази хизматлари, учувчисиз учиш аппаратларини қўллашда, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим йўналишидаги видео қўлланмаларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари амалга оширади.</p>
----	--	--	--

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



\* Ўрмон хўжалиги агентлигининг ҳудудларидаги бошқармалари тугатилиб, уларнинг вазифа ва функциялари экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармалари томонидан амалга оширилади.  
 \*\*Бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, ажратмалар, хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар ҳисобидан молиялаштирилади.  
 \*\*\* Янги ташкил этилаётган ташкилот

**Табий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислоҳотларни  
чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро қилиш муддати	Масъул бўлган ташкilotлар	Бажариладиган ишларнинг пировард натижаси
<b>I. Биохилма-хилликни асраш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолиятини такомиллаштириш</b>				
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг янги наشريни тайёрлаш. Бунда:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг (International Union for Conservation of Nature) талаблари бўйича тайёрлаш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг янги наشريни замонавий методлар ва Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) Қизил рўйхатида назарда тутилган тоифалар ва мезонлар асосида тайёрлаш ҳамда чоп этиш.</p>	<p>2023 йил II чорак</p> <p>2025 йил I чорак</p>	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг <b>олтинчи наشري</b> Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN) тоифалари ва мезонлари асосида тайёрланади.</p> <p>Қизил китобга киритилган турларнинг муҳофазаси борасидаги мақоми <b>халқаро стандартларга</b> мослаштирилади.</p>
2.	<p>Ёввойи ҳолда ўсувчи <b>доривор</b> ва <b>озиқ-овқат</b> боп ўсимликларни, жумладан, уларнинг <b>экспорт</b> боп турларини етиштириш ва кўпайтириш чораларини кўриш. Бунда:</p> <p>плантацияларни ташкил этиш учун аниқ ҳисоб-китоблар асосида экиш материаллари (уруғ ва/ёки қаламча) йиғиб олиш учун квота ажратиш;</p> <p>ширинмия, шумғия, наъматак, ковул ва сассиқ каврак каби доривор ва озиқ-овқат боп ўсимлик турлари бўйича <b>ҳар йили камида 25 минг гектар</b> майдонда маданий плантацияларни ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги</p>	<p>Республикада мавжуд ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озиқ-овқат боп ўсимликлар <b>19,5 минг гектар</b> маданий плантациялари доимий мониторинги олиб борилади.</p> <p>Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озиқ-овқат боп ўсимликлар, жумладан, уларнинг экспорт боп турларининг маданий плантациялари кўпайтирилади.</p> <p>Ушбу ўсимликларнинг табиий популяцияси ортади ва йўқолиб кетиш хавфининг олди олинади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро қилиш мuddати	Масъул бўлган ташкилотлар	Бажариладиган ишларнинг пировард натижаси
3.	<p>“Ўзбекистон экологияси ва табиий ресурслари атласи”ни яратиш. Бунда:</p> <p>тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ тузиш;</p> <p>табиий ресурслар ва экология бўйича маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш;</p> <p>тегишли масштабдаги табиий ресурслар ва экология бўйича хариталар тузиш;</p> <p>“Ўзбекистон экологияси ва табиий ресурслари атласи”ни нашр этиш.</p>	2023–2025 йиллар	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	<p>Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслари, иқлими ва экологик ҳолатини акс эттирадиган <b>ягона жамланган харита</b> шакллантирилади.</p> <p>Харитада қуйидагилар акс эттирилади:</p> <p>ҳайвонот дунёси объектлари;</p> <p>ўсимликлар;</p> <p>тупроқ;</p> <p>ер усти сувлари;</p> <p>иқлим;</p> <p>ландшафт ва табиий географик районлаштириш;</p> <p>муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;</p> <p>ўрмон ҳўжаликлари;</p> <p>ер остининг геологик тўзилиши ва бошқа маълумотлар.</p>
4.	<p>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтириш. Бунда:</p> <p>“Зарафшон” миллий табиат боғини <b>2 минг</b> гектарга, “Сурхон” ва “Нурота” давлат қўриқхоналари ҳудудини <b>4-5 минг</b> гектаргача кенгайтириш бўйича ўрганиш ишларини амалга ошириш;</p>	2023 йил декабрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	<p>Ушбу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг кенгайтирилиши натижасида ноёб ҳайвонларнинг сони ортиб, ўсимлик қоплами тикланишига эришилади. Жумладан, Бухоро буғусининг сони Зарафшон миллий табиат боғида беш йил мuddатда <b>200 бошдан</b>, Сурхон давлат</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро қилиш мuddати	Масъул бўлган ташкилотлар	Бажариладиган ишларнинг пировард натижаси
	<p>илмий асосланган таклиф ва хариталарни тайёрлаш; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>			<p>қўриқхонасида морхўрлар 800 бошдан, Бухоро тоғ қўйи 200 бошдан, Нурота давлат қўриқхонасида Қизилқум қўйи сони 2,5 минг бошдан ортади. Шу билан бирга ушбу ҳудудлардаги ноёб ўсимлик турларини генетик база сифатида сақлаб қолينيшига эришилади.</p>
				<p>экиш, чиқиндилардан тозалаш ишларига йўналтирилади;</p> <p>хорижий сайёҳлар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда меҳнат жамоалари учун дарахт кўчатларини экиш бўйича “Planting Toug” тадбирлари мунтазам ўтказилади;</p> <p><b>2023 йил якунига қадар</b> табиат боғлари ва ўрмон хўжаликлари ҳудудларида замонавий кемпинглар, осма дор йўллари, кўнгилочар туризм масканлари, тематик овқатланиш шохобчалари, туризм ахборот марказлари ташкил этишни назарда тутувчи <b>10 йилга</b> мўлжалланган экотуризмни ривожлантириш бўйича менежмент режалари ишлаб чиқилади;</p> <p><b>2023 йил декабрь ойдан</b> бошлаб фотоовлашни кенг тарғиб қилиш, табиатга дўстона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш мақсадида, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда тегишли жамоат бирлашмаси ташкил этилади;</p> <p><b>2023–2026</b> йиллар давомида алоҳида дастур асосида <b>“Табиат билан уйғунлик”, “Қизилқум саҳросининг ноёб табиати”, “Тянь-Шань, Ҳисор ва Чотқол тоғ тизимларининг табиати ва дунёси”, “Оролбўйи фожiasi”, “Минтақадаги ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар дунёси”</b> каби музейлар ва экспозициялари ташкил этилади.</p>
103.	<p>Атроф табиий муҳит давлат мониторингини молиялаштириш ва ташкил этишни қўйидагича амалга ошириш:</p> <p><b>Вазирлик</b> – “Ситуацион марказ”ни фаолияти учун зарур техника ва ускуналар билан таъминлайди;</p>	2023 йил май, доимий равишда	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ишларини амалга ошириш учун “Ситуацион марказ” фаолияти тўлиқ йўлга қўйилади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Ижро қилиш мuddати	Масъул бўлган ташкилотлар	Бажариладиган ишларнинг пировард натижаси
104.	<p><b>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари</b> – автоматик станциялар учун ер участкаларини аукцион савдоларисиз бепул ажратади, доимий фаолият олиб боришини таъминлаш ишларини ташкил этади;</p> <p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги</b> – автоматик станцияларни доимий алоқа билан бепул таъминлайди ҳамда маълумотлар узатиш, сақлаш имкониятини яратиш чораларини кўради.</p>	2023 йил давомида	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратиладиган <b>35 млрд</b> сўм маблағ доирасида ҳудудий атроф-муҳит ифлосланиши мониторинги бўлимларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади ҳамда sanoat корхоналарини мониторинг қилиш бўйича қамров даражаси <b>43 фоиздан 60 фоизга</b> етказилади.
105.	<p>Турғун органик ифлосланттирувчи моддалар мониторингини таъминлаш. Бунда:</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг <b>Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилояти</b> бўлимлари қошидаги аналитик лабораториялар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида иxtисослаштирилган аналитик назорат маркази негизида <b>5 та</b> хроматографик тадқиқот марказини ташкил қилиш;</p> <p>хроматографик тадқиқотлар марказларини <b>1 та</b> хроматомасс спектрометр ва <b>4 та</b> газ хроматографлар билан таъминлаш;</p> <p>хроматография ўлчовларини бажариш услубиятларини ишлаб чиқиш/жорий этиш, мутахассисларни ўқитиш ва тажрибасини ошириш.</p>	2023–2024 йиллар	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	Атроф-муҳит объектларида турли тоифадаги <b>пестицидлар, турғун органик ифлосланттирувчи моддалар, жумладан, фуран ва диоксинларни, шунингдек, электрон жиҳозлардаги полихлорланган дифениллар</b> миқдорини ўлчаш учун моддий-техника база мустаҳкамланади. Ушбу лабораториялардан кенг фойдаланган ҳолда <b>илмий ишланмалар</b> яратилади. Заҳарли кимёвий ва бошқа <b>токсик моддалар</b> кўмилган ҳамда сақланаётган <b>махсус омбор</b> ва <b>полигонлар</b> атрофида заҳарли моддаларнинг тарқалиш ҳолатлари бартараф этилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро қилиш мuddати	Масъул бўлган ташкилотлар	Бажариладиган ишларнинг пировард натижаси
106.	Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган <b>Давлат хизматлари жараёнларини лойиҳа бошқаруви тизими асосида йўлга қўйиш</b> ҳамда унинг энг яхши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда <b>реинжиниринг қилиш</b> бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари томонидан давлат хизматлари кўрсатишни <b>соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш</b> ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантиришга эришилади.

**Изоҳ:** Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш предмети ва соҳасидан келиб чиқиб чора-тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши мумкин. Икки ёки undan ортиқ бандлар бирлаштирилганда, қўшилаётган бандлар учун белгиланган энг кеч мuddат ижро мuddати этиб белгиланади.

**Экология, атроф-муҳит муҳофазаси, ўрмон ва гидрометеорология соҳаларидаги  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш  
РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар
1.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>а) экология ва атроф-муҳитга зарар етказиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларни оғир жиноятлар тоифасига киритиш;</p> <p>б) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига қўйилган мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш. Бунда, қўшимча равишда ноқонуний кесилган дарахт ўрнига компенсациявий дарахт кўчатларини айнан дарахт кесилган жойга экиш мажбуриятини белгилаш ҳамда юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллашни жорий этиш;</p> <p>в) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг ноқонуний овланиши оқибатида ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммаларини 10 бараварга ҳамда ўсимликларни ўсишдан тўхташ даражасигача шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан уларга етказилган зарар учун ундириш суммаларини 5 бараварга ошириш;</p> <p>г) саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга</p>	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги

<p>ташлаш ҳамда суюқ маиший чиқиндиларни тўққанлик учун маъмурий жарималар миқдорини 10 бараварга оширган ҳолда қўллаш.</p> <p>Бунда, қўшимча равишда юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллашни жорий этиш;</p> <p>д) сувларни ифослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек, сув объектларида оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш;</p> <p>е) ўрмон фонди:</p> <p>ерларини ноқонуний бериш ва улардан фойдаланиш бўйича алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш;</p> <p>ерларида ноқонуний бино-иншоотлар ва иморатларни қуриш бўйича алоҳида жиноят таркибини киритиш ҳамда унинг санкцияларини суғориладиган ерларни ўзбошимчлик билан эгаллаб олганлик учун белгиланган санкцияларга тенглаштириш;</p> <p>ж) ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 10 бараварга ошириш ва ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни ҳайвонларни боқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;</p> <p>з) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифослантирилганлиги ҳамда чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини белгилаш ва қўллаш тартибини қонун даражасида тартибга солиш ҳамда берилган имтиёзларни бекор қилиш;</p> <p>и) барча ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш квоталарини ўрнатиш масаласини қонун даражасида тартибга солиш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги</p>
<p>2.</p> <p>Қўйидагиларни назарда tutувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>аҳоли пунктлари ва шаҳар марказларида олдиндан мавжуд бўлган ариқлар, ирригация тизимларини ўзбошимчлик билан кўмиб ташлаганлик учун жавобгарликни белгилаш;</p>	

	<p>Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоэхборот маълумотлар базасига автоматик интеграция қилмаганлик ва (ёки) базага ногўри маълумотлар киритганлик учун жавобгарликни белгилаш;</p> <p>лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқарганлик, шунингдек, бундай хулосаси бўлмайд туриб объектларни маблағ билан таъминлаганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш;</p> <p>тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан (портловчи ва кимёвий моддалар, биологик препаратлар, лескали балиқ тутиш тўрлари, электр қармоқлар ва бошқа браконьерлик ов қуролларини қўллаган ҳолда) ов қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш;</p> <p>сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузганлик учун маъмурий жарималар миқдорини 5 бараварга ошириш;</p> <p>ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузиш учун маъмурий жарималар миқдорини 2 бараварга ошириш.</p>		
3.	<p>Товар ва хизматларни реализация қилишда истеъмолчиларга ихтиёрий равишда “яшил тўлов”ни амалга ошириш орқали “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
4.	<p>Чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ва автоматик мониторинг тизимларини ўрнатиш учун хўжалик юритувчи субъектларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали кредит линияси очишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк
5.	<p><b>Давлат экологик назорат инспекцияси</b> фаолиятини ташкил этиш. Бунда:          Инспекция низомини тасдиқлаш ва ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги механизмларини жорий қилиш;          Инспекцияга ишга қабул қилинган ходимлар томонидан қасамёд қабул қилиш қоидалари;</p>	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

	<p>ходимларнинг формали кийими ва фарқлаш белгилари, намуналари ва уларнинг таснифи;</p> <p>ходимларга ажратилган махсус яшил рангли маёкча (мигалка) ва товушли сигнал (сирена), радиоалоқа ва бошқа воситалар билан жиҳозланган логотип туширилган автотранспорт воситаларини белгилаш;</p> <p>ходимларни формали кийим билан таъминлашнинг <b>молиялаштириш манбалари</b>;</p> <p>ходимларга белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ўнвонлар бериш тизими жорий этиш;</p> <p>ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		
6.	<p>Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни <b>реал вақт режимида назорат қилиш</b>ни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>маълумот ва тасдиқномаларда хато ва камчиликлар аниқланган ҳолларда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органлари бу ҳақида хабар қабул қилиб олинган кундан бошлаб беш иш кунни мобайнида, асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда уни тақдим этган ташкилотни хабардор қилинади;</p> <p>маълумот ва тасдиқномани тақдим этувчи ташкилот аниқланган камчиликларни ўн иш кунни мобайнида бартараф қилиб қайта тақдим этади.</p> <p>қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, қурилиш чиқиндиларини тўплаш ва вақтинча сақлаш, ташиш, чиқинди полигонига жойлаштириш учун топшириш (қабул қилиш) тартибларини бузиш табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик ҳисобланади ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлишини белгиланади.</p> <p>Вазирлик томонидан табиий объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби талаблари асосида чиқиндиларни атроф-муҳитга зарари миқдори аниқланади ва тартибга солинади.</p>	2023 йил сентябрь	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,</p> <p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p>

7.	<p><b>Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини</b> олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини тизимлаштириш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни, уларнинг қисмларини, шунингдек, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини Ўзбекистон Республикасининг <b>“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлаштириш;</b></p> <p>соҳадаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни “Лицензия” ахборот тизими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил Октябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Адлия вазирлиги, Божхона қўмитаси
8.	<p><b>Экологик тоза ҳудуд режимини</b> жорий қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>бир марталик пластик маҳсулотлар, шу жумладан стаканлар, пластик найчалар, музқаймоқ таёқчалари, пахта таёқчалари, қадоқлаш плёнкаси ва айрим турдаги полиэтилен пакетларини олиб кириш, сотиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш;</p> <p>қишлоқ хўжалигида органик ўғитлардан фойдаланишни рағбатлантириш;</p> <p>фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларни марказлаштирилган оқова сув тизимига улаш ёки муқобил тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш мажбуриятини киритиш. Бунда, ушбу мажбуриятни бажармаган жисмоний шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача, юридик шахсларга нисбатан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллаш;</p> <p>автотранспорт воситалари билан кириш учун экологик йиғим ундириш, бундан электромобиллар, махсус транспорт воситалари ва экологик тоза ҳудуд</p>	2023 йил октябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги

	<p>режими жорий қилинган ҳудудда яшовчи фуқароларнинг автотранспорт воситалари мустансно; экологик тоза ҳудуд режими татбиқ этиладиган ҳудудларнинг ташкил этилиши ҳамда бошқа шартлари ва талабларини белгилаш.</p>		
9.	<p>Вазирлик тизимида инновацион фаолиятни жорий қилиш мақсадида <b>Технологик ривожланиш ва инновациялар бўйича соҳавий эксперт кенгаш</b> фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: Технологик ривожланиш ва инновациялар бўйича соҳавий эксперт кенгаш таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши ва унга Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири раҳбарлик қилиши; Технологик ривожланиш ва инновациялар бўйича соҳавий эксперт кенгаш таркибига экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши, ўрмон хўжалиги, қурилиш, қимё, энергетика, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида илмий ва амалий тажрибага эга шахслар киритиш талабини белгиланиши; экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш, иқлим ўзгариши, ўрмон хўжалиги, қурилиш, қимё, энергетика, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларига экологик инновацион технология ва лойиҳаларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш Технологик ривожланиш ва инновациялар бўйича соҳавий эксперт кенгашининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланиши назарда тутилади.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
10.	<p>Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган <b>заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган</b> ҳамда сақланаётган махсус объектларни тасарруф этиш, шунингдек, объектларни консервация ва реконструкция қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ишларини такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
11.	<p>Ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш. Бунда: Ўрмон фондидаги фойдаланилмаётган ер майдонларини ижарага беришда имтиёзларни қўллаш ва ижара муносабатларини такомиллаштириш ҳамда</p>	2023 йил сентябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

	<p>муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва экотуризмни ривожлантириш масалаларини назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		
12.	<p>Давлат фуқаролик хизматчиларининг энергия тежамкор кийиниш маданиятини шакллантириш бўйича чоралар кўриш.</p>	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	<p>Йirik шаҳарларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янада оммалаштириш ва ўрмон хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармон лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида “яшил белбоғлар” барпо этиш бўйича 2020–2021 йилларда бошланган ишларни узвий давом эттириш;</p> <p>“яшил белбоғлар” ва дарахтзорларни фақат лойиҳа ҳужжатлари асосида ташкил этиш;</p> <p>мавжуд дарахтларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, кам сув талаб этадиган дарахт ва бута кўчатлари турларини танлаш, улар экиладиган ер майдонларини ва молиялаштириш манбаларини олдиндан аниқ белгилаш назарда тутилади.</p>	2023 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14.	<p><b>“Яшил” субсидияларни</b> бериш учун махсус “Экосубсидия” платформасини яратиш.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
15.	<p><b>Тиббиёт чиқиндиларини утилизация</b> қилишни тартибга солиш, <b>молиялаштириш ҳамда замонавий инфратузилмани яратишни</b> назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
16.	<p>Қўйидагиларни назарда тутувчи “Табиатга саёҳат” экотуризмини ривожлантириш Миллий дастурини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>қонунчилик талабларига қатъий риоя этган ҳолда ҳар бир давлат кўриқхоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар, ўрмон ва ўрмон-ов</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги,

	<p>хўжаликлари, тоғли ва чўл ҳудудлар ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари (кейинги ўринларда – экоҳудудлар)да туризм хизматлари турларини кенгайтириш ва инфратузилмаси ривожлантириш;</p> <p>экоҳудудларнинг брендини яратиш ва унинг асосида тарғибот кампанияларини ташкил этиш;</p> <p>экоҳудудларга инвестицияларни жалб қилган ҳолда “пикник” зоналар, манзарали томоша қилиш майдончалари, экоуйлар мажмуаси, ўтовлар, “глэмпинг” ва кемпинг лагерлари ҳамда ташриф марказлари (“Visitor center”) ташкил этиш;</p> <p>тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда осма дор йўллари, электромоторли қайиқ, қорда ҳаракатланишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва квадроцикллар, “банжи-жампинг” ва “зиплайн” аттракционлар, аэроостатлар, “рафтинг” ва “флайбординг”, филдирак устидаги уйлар ва ер усти транспорт воситалари каби туризм хизматларини йўлга қўйиш;</p> <p>ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича ихтисослаштирилган питомникларни ташкил этиш;</p> <p>тоғли ва чўл ҳудудларда экстремал туризмни ривожлантириш;</p> <p>экоҳудудларга янги туризм хизматларини (шу жумладан, Planting Tour, Plogging Tour ва бошқалар) ва экоакцияларни ташкил қилиш.</p>		<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
17.	<p><b>Миллий табиий мерос объектлари рўйхатини</b> шакллантиришда қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>рўйхатга кирган объектларни ҳудудлари ва чегараларини белгилаш; объектлар ҳудудларида фаолият юритадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбуриятларини белгилаш; халқаро стандартларга кўра тақиқланган ва буфер зоналарини белгилаш; объект билан боғлиқ ҳар қандай қўрилиш ишларини Вазирлик билан келишиш.</p>	2023 йил сентябрь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари</p>

18.	<p><b>Миллий яшил фаровонлик фондини</b> ташкил қилиш. Бунда: республикадаги, шу жумладан, давлат ўрмон фондига кирадиган дарахтлар ва буталарнинг Фондга киритган ҳолда давлат кадастрини шакллантириш; Фондга киритилган дарахтлар ва буталарни давлат томонидан ҳимояга олинишини белгилаш; ҳар бир дарахт ва бута фаровонлик гарови эканлигини назарда тутувчи тушунтириш-тарғибот кампанияларини ташкил қилиб бориш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
19.	<p>Сув ресурсларини тежаш мақсадида қўйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>биринчи босқичда – вазирлик ва идоралар, давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳудудидаги (атрофидаги) кўкаламзорлаштириш, шу жумладан, дарахт ва буталарни суғориш тизимини тўлиқ томчилаб суғориш тизимига ўтказиш;</p> <p>иккинчи босқичда – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг марказий шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштириш тизимини томчилаб суғориш тизимига ўтказиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	<p>Қаровсиз қолган ўй ҳайвонларини <b>чиплар ўрнатиш, идентификациялаш, вакцинациялаш, кастрация ёки стерилизация</b>лашни тадбирларини амалга оширишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, шунингдек, ушбу жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
21.	<p>Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ва давлат буюртма қўриқхоналарида илмий тадқиқотлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мониторинги ҳамда кадастрини юритиш мақсадида уларнинг тузилмасида илмий бўлимлар ташкил қилиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
22.	<p>Маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва биогазни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқариладиган электр энергиясига <b>“яшил тариф”</b> жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Бунда:</p> <p>1) маиший чиқиндиларни утилизация қилиш орқали ишлаб чиқариладиган электр энергиясини <b>қайта тикланувчи энергия</b> сифатида эътироф этиш,</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги,

	<p>шунингдек, <b>қайта тикланувчи энергия</b> манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир <b>“яшил тариф”</b> жорий этиш ва маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва биогазни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг узоқ (лойиҳа давридан кам бўлмаган) муддат <b>“яшил тариф”</b> бўйича кафолатланган тарзда сотиб олишни назарда тутувчи <b>қонун</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		Ички ишлар вазирлиги
23.	<p>Атроф-муҳит муҳофазаси учун хайрия ўтказмаларини кўзда тутувчи <b>“Яшил тўлов”</b> турини жорий қилиш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар ва бошқа истеъмолчилар учун хайрия ўтказмаларини кўзда тутувчи, товар ва хизматларга ихтиёрий <b>“Яшил тўлов”</b> устама турини жорий қилиш;</p> <p><b>“Яшил тўлов”</b> маблағларини жамоатчилик назорати остида ташкил этиладиган ва бошқариладиган Хайрия жамғармасига йўналтириш тартибини белгилаш;</p> <p>маблағларнинг тушиши ва ундан фойдаланилиши бўйича очиқлик ва жамоатчиликка ҳисобдорлик тамойиллари асосида амалга ошириш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
24.	<p>Қаттиқ маиший чиқиндиларни <b>йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш</b> ва <b>қайта ишлаш</b> тизимини рағбатлантиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p><b>“Чиқиндилар тўғрисида”</b> ги қонуннинг янги лойиҳасини;</p> <p><b>“Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботларини такомиллаштириш”</b> тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасини;</p> <p><b>“Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”</b> Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритиш.</p> <p>Бунда:</p>	2023 йил октябрь  2024 йил январь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

	<p>ободонлаштириш бошқармалари, хусусий корхоналар ҳисобидаги шунингдек, маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида хусусий шерикларга вақтинчалик беғараз фойдаланишга берилган қаттиқ маиший чиқинди полигонларини хатловдан ўтказиш;</p> <p>хатлов натижаларига кўра, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича республика комиссиясининг тегишли баёни билан қаттиқ маиший чиқинди полигонларини Вазирлик балансига ўтказиш.</p>		
25.	<p>Давлат экология назоратини амалга оширишда фойдаланиладиган <b>транспорт воситаларини қўшимча жиҳозлаш</b>.</p> <p>Бунда, экологик назоратни самарали ташкил этиш учун махсус автомашиналар мансублигини англутувчи махсус чироқли сигналлар ҳамда махсус техник жиҳоз (электршокер, резина ўқли қуроллар, тўр отувчи қурол, рация, сирена, товуш чиқариш мосламалар, ёритгичлар ва бошқа)ларни ўрнатиш юзасидан тартиб ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил ноябрь	Транспорт вазирлиги, Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
26.	<p>Умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш ва ортиқча исрофгарчиликларни олдини олишга қаратилган <b>“Оқилона истеъмол” (“Save food”)</b> дастурини амалга ошириш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан масъулиятини ошириш;</p> <p>ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш;</p> <p>аҳолида тўғри овқатланиш одатларини шакллантириш;</p> <p>меъридан ортиқ истеъмолни тарғиб қилишни чеклаш;</p> <p>исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан назорат механизмларини ўрнатиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги

27.	<p>Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида алоҳида ташаббус кўрсатган ёшларни тақдирлаш учун “<b>Ёш эколог</b>” кўкрак нишонини таъсис этиш. Бунда:</p> <p>алоҳида ташаббус кўрсатган ёшлар учун “Ёш эколог” кўкрак нишони тўғрисидаги низом ҳамда кўкрак нишони таснифини тасдиқлашни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
28.	<p>Гидрометеорология фаолияти самарадорлигини ошириш, гидрологик кузатувлар тизимини такомиллаштириш мақсадида қўйидагиларни назарда тутувчи <b>Вазирлар Маҳкамаси қарори</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>республика ҳудуди бўйлаб тўлиқ ер усти сувлари ҳисобини юритиш, қўшимча гидрологик станция ва постлар ташкил қилиш ҳамда барча кузатувларни босқичма-босқич автоматик станциялар орқали амалга оширишни;</p> <p>дарё ҳавзаларида юз бераётган сувнинг кўтарилиши, сел-тошқин ҳолатлари бўйича тезкор кузатув маълумотларини етказишда замонавий ахборот алмашиш технологияларидан фойдаланиш;</p> <p>дарёлардаги назорат сув ўлчаш нуқталари (гидропост)да трансчегаравий сув ресурсларини объектив ҳисобга олиш ва ушбу сув ўлчаш нуқталари орқали ўтадиган сув миқдори тўғрисида ишончли маълумотлар алмашинувини таъминлаш ва трансчегаравий дарёлар сув сарфи маълумотини онлайн кузатиб бориш ахборот платформасини яратиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
29.	<p>Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонларида шамол эрозиясига қарши ва сув хўжалиги объектларини қум босишининг олдини олиш мақсадида <b>ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш</b>нинг эксперимент тартибини жорий қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>синов тариқасида Сирдарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини шамол эрозиясига қарши ва сув хўжалиги объектларини қум босишининг олдини олиш мақсадида <b>ҳимоя ўрмонзорларини</b> барпо этиш ва реконструкция қилишнинг 10 йиллик <b>Ягона Дастури</b>ни ишлаб чиқиш;</p>	2023 йил ноябрь	Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

	<p><b>Ягона Дастур</b> асосида амалга оширилайдиган тадбирларни республика бюджети ва Сирдарё вилоятининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;</p> <p>суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг шамол эрозиясига қарши курашиш ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишини олдини олиш мақсадида химоя дарахтзорлари барпо этилаётганда ёки реконструкция қилинаётганда ер эгаларига компенсация тўлаб бериш шarti билан олиб қўйилаётган экин ерларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари учун сарфланган харажатларни қоплаб беришни назарда тутиш.</p>		
30.	<p>Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиий питомникларининг қўриқлаш <b>ходимлари ваколатларини</b> кенгайтириш. Бунда, юридик мақомга эга бўлган давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиий питомникларининг қўриқлаш ходимларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторларига тенглаштириш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколатини беришни назарда тутувчи <b>қонун</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил ноябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
31.	<p>Фойдаланишида бўлган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган транспорт воситаларининг атмосферa ҳавосига ташламаларини аниқлаш услубиятларини яратиш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи <b>миллий стандарт</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>ёқилғи ва транспорт воситаси турига нисбатан белгиланган ташламалар меъёрлари;</p> <p>белгиланган меъёрларни ўлчаш услубиятлари, воситалари ва шартлари;</p> <p>ташламалар миқдорларини ўлчаш фаолиятини олиб борувчи органлар ва уларнинг персоналига талаблар;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон стандартлар институтига рўйхатдан ўтказиш учун киритиш.</p>	2023 йил ноябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
32.	<p>Қўйидагиларни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда 2024 йил 1 январдан бошлаб:</p>	2023 йил декабрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

	<p>атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар (атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифалар) ҳамда вазирлик ва идоралар, шунингдек, устав фондида (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларнинг фаолияти (бино-иншоотлари) натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари миқдори ҳамда углерод изини (carbon footprint) ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;</p> <p>ташкilotларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари миқдори ҳамда углерод изи кўрсаткичлари паспортини ишлаб чиқиш мажбуриятини белгилаш;</p> <p>белгиланган кўрсаткичлар асосида углерод изини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;</p> <p>ташкilotларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари миқдори ҳамда углерод изи кўрсаткичлари паспортини бинога кириш қисми ва ўзининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб бориш мажбуриятини белгилаш.</p>		
33.	<p>Орол денгизидаги артемия цистасини овлаш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>артемия цисталари олишга квота бериш масаласини тартибга солиш;</li> <li>артемия цистаси ресурсларидан оқилона фойдаланиш тартибини такомиллаштириш;</li> <li>артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш жараёнини назорат қилиш тартибини ривожлантириш назарда тутилади.</li> </ul>	2023 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
34.	<p>Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган транспорт воситаларининг <b>экологик тоифа талабларига мувофиқлигини “яшил” сертификатлаш</b> тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Божхона қўмитаси

35.	<p>Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиий питомникларининг қўриқлаш <b>ходимлари ваколатларини</b> кенгайтириш. Бунда:</p> <p>1) юридик мақомга эга бўлган давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиий питомникларининг қўриқлаш ходимларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторларига тенглаштириш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколатини беришни назарда тутувчи <b>қонун</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил ноябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
36.	<p>Транспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига ташламаларини камайтиришнинг иқтисодий механизмларини жорий этиш. Бунда:</p> <p>1) қўйдагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>2024 йил 1 январдан бошлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда фойдаланишда бўлган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган транспорт воситаларини миллий стандарт талаблари асосида мажбурий экологик сертификатлаш тартибини ва талабларни бажармаганлик учун компенсация миқдори ва тўловларини белгилаш;</p> <p>2024 йил 1 июлдан бошлаб юридик шахслар ва 2025 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларда фойдаланишда бўлган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган транспорт воситаларини миллий стандарт талаблари асосида ихтиёрий экологик сертификатлаш тартиби белгилаш. Бунда, хизматлар ҳамда экологик сертификатлаш соҳасига хусусий бизнесни жалб қилиш мақсадида ихтиёрий экологик сертификатлашни белгиланган талаблар асосида фаолиятини ташкил қилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилади;</p> <p>белгиланган меъёрларга мос келмаган транспорт воситаларига нисбатан атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари миқдори ва ундириш тартиби;</p>	2023 йил декабрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги

	<p>ташламалар миқдорларини ўлчаш ва назорат қилиш бўйича замонавий лабораториялар инфратузилмаси ва тармоғини ташкил этиш босқичлари;</p> <p>транспорт воситалари ташламаларини экологик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		
37.	<p>Токнинг кимёвий манбалари (аккумулятор, батарея ва бошқалар) ишлаб чиқарувчиларига <b>кенгайтирилган жавобгарликни</b> жорий қилиш ҳамда уларнинг айланмаси ва чиқиндиларини жойлаштиришнинг амалий назорат тизимини ўрнатиш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини</b> ишлаб чиқиш:</p> <p>токнинг кимёвий манбалари ишлаб чиқарувчиларининг кенгайтирилган жавобгарликка тортишнинг тартиб ва тамойиллари;</p> <p>республика ҳудудига олиб кириладиган барча турдаги токнинг кимёвий манбаларида хавфли моддаларнинг меъёрларини белгилаш ва мажбурий тартибда экологик сертификатлаш ва маркировкалаш тизимини жорий қилиш;</p> <p>ишлаб чиқарувчилар ва импортёрларга нисбатан фойдаланувдан чиққан токнинг кимёвий манбаларини утилизация қилиш йиғимини жорий этиш;</p> <p>фойдаланувдан чиққан токнинг кимёвий манбалари чиқиндиларини утилизация қилиш корхоналарига нисбатан талаблар ва утилизация тартибини белгилаш;</p> <p>фойдаланувдан чиққан кимёвий ток манбалари чиқиндиларини ноқонуний жойлаштириш, утилизация қилиш, йўқ қилишни ман этиш, бундай ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш механизминини жорий этиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p>
38.	<p>Қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш:</p> <p><b>тиббиёт муассасалари, ветеринария ва фармацевтика соҳаси</b> ташкилотларининг соҳа чиқиндиларини тартибга солиш;</p>	2023 йил декабрь	<p>Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p>

	<p>биологик чирийдиган <b>(100 фоиз крахмал, лактоза ёки бошқа органик моддалар)</b> материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш; тендер савдоларини ўтказишда <b>экологик маркировкаланган маҳсулот ва хизматларга устуворлик</b> бериш.</p>		
39.	<p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишда экологик хавfli маҳсулотлар ва чиқиндиларни <b>мажбурий экологик сертификатлаш</b> тартибини такомиллаштириш. Бунда:</p> <p>1) қўйидагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>мажбурий экологик сертификатланиши лозим бўлган хавfli маҳсулотлар ва чиқиндилар рўйхатини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар доирасидаги мажбуриятларидан ва миллий қонунчиликда белгиланган бошқа талаблардан келиб чиқиб қайта шакллантириш;</p> <p>мажбурий экологик сертификатлаштириш лозим бўлган олди-сотди объекти бўлган, хавfli маҳсулотлар ва чиқиндилар, шунингдек, ташилиши керак бўлган хавfli чиқиндилар рўйхатини тасдиқлаш;</p> <p>республика ҳудудига олиб кирилиши ман этилган хавfli маҳсулотлар ва чиқиндилар (хавфсиз қайта ишланмайдиган) рўйхатини тасдиқлаш;</p> <p>хавfli маҳсулотлар ва чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш тартибини, унинг аниқ мезонларини белгилаш орқали оптимизация қилиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил декабрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
40.	<p>Маҳаллий ва халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда миллий қонунчиликда <b>“яшил иқтисодиёт”</b> ва <b>“яшил молиялаштириш”</b> механизмларини, шунингдек, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий қилиш юзасидан қонунчилик базасини яратиш.</p>	2023 йил декабрь	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
41.	<p>Асарилар нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p>	2023 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

	<p>пестицидлар қўлланилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш бўйича қонунчилик механизмларини такомиллаштириш;</p> <p>сотилган пестицидлар учун тўловлар миқдори қонунчиликда белгиланиши ва ушбу тўловлар ҳисобига кимёлаштириш воситалар билан боғлиқ хавфларни баҳолаш ҳамда бартараф қилиш, уларни аτροφ-муҳитга таъсири кам бўлган экологик воситалар билан алмаштиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширишга йўналтириш;</p> <p>пестицидлар билан ишлаш соҳасидаги Халқаро кодекси талабларини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш масаласини кўриб чиқиш;</p> <p>қишлоқ хўжалигида хавфсизроқ кимёлаштириш воситаларни қўллашга босқичма-босқич ўтишни кўзда tutувчи аниқ стратегия ишлаб чиқиш;</p> <p>“ўсимликларни интеграллашган ҳолда ҳимоя қилиш” амалиёти татбиқ этиш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Фанлар академияси,</p> <p>Кадастр агентлиги</p>
42.	<p>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтириш. Бунда: “Зарафшон” миллий табиат боғини <b>2 минг</b> гектарга, “Сурхон” ва “Нурота” давлат қўриқхоналари ҳудудини <b>4-5 минг</b> гектаргача кенгайтириш бўйича ўрганиш ишларини амалга ошириш;</p> <p>илмий асосланган таклиф ва хариталарини тайёрлаш.</p> <p>муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,</p> <p>Кадастр агентлиги,</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги,</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
43.	<p>Чотқол” давлат биосфера ва “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхоналарининг <b>қўриқланма зоналарини белгилаш</b>. Бунда:</p> <p>“Чотқол” давлат биосфера ва “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхоналарининг қўриқланма (буфер) зоналарини белгилаш учун ҳудудни хатловдан ўтказиш;</p> <p>“Чотқол” давлат биосфера ва “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхоналарининг қўриқланма (буфер) зоналари хариталарини тайёрлаш;</p> <p>“Чотқол” давлат биосфера ва “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхоналарининг қўриқланма (буфер) зоналарини белгилаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиш.</p>	2024 йил январь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги</p>
44.	<p>Маҳсулот ва хизматларни <b>ихтиёрий экологик маркировкалаш тизимини</b> такомиллаштириш. Бунда:</p>		

	<p>1) қуйдагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали экологик маркировкалаш тизимини шакллантириш;</p> <p>экологик маркировкага эга маҳсулотлар ва хизматлар турларини кенгайтиришга йўналтирилган рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;</p> <p>маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишда уларнинг экологик таъсири тўғрисида истеъмолчиларнинг тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		
45.	<p>Фарғона ва Наманган вилоятларида биохилма-хилликни сақлаш, табиий мажмуаларни қайта тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ташкил этиш.</p> <p>Фарғона вилоятининг Ёзёвон табиий ёдгорлиги, Сўх, Шўрсув, Қайроққум ва Каттатурк ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп адирликлари табиий ҳудудларида биохилма-хилликни сақлаш, табиий мажмуаларни қайта тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида умумий майдони 100 минг гектар бўлган миллий табиат боғини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиш.</p>	2024 йил апрель	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фанлар академияси, Кадастр агентлиги
46.	<p>Республика ҳудудларида <b>маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш</b> ва янги полигонлар қуриш лойиҳасини амалга ошириш. Бунда:</p> <p>Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳасини амалга ошириш;</p> <p>Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил август	Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

47.	<p>Ўзбекистон Республикасида саноат чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил декабрь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p>
48.	<p>Фойдаланиш хусусиятини йўқотгандан сўнг аτροφ-муҳитга зарар етказувчи айрим қадоқлаш материаллари ва товарларини ишлаб чиқарувчи (экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчиларнинг <b>“кенгайтирилган мажбурияти” тизимини жорий этишни</b> назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2025 йил август	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги</p>
49.	<p>Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва ихчамлаштириш. Бунда:</p> <p>1) қуйидагиларни назарда тутувчи <b>Экология кодекси</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назоратининг роли ва таъсирини тубдан ошириш;</p> <p>биохилма-хилликни асраш, тиклаш ва кўпайтиришнинг аниқ механизмлари ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш;</p> <p>атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;</p> <p>экологик назорат ва мониторинг турларини амалга ошириш тартиби, шу жумладан, “яшил иқтисодиётни” рағбатлантириш чоралари;</p> <p>экологик экспертизани амалга ошириш тартиби;</p> <p>2) ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2025 йил декабрь	<p>Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги</p>

**Изоҳ:** Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш предмети ва соҳасидан келиб чиқиб чора-тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши мумкин. Икки ёки undan ортиқ бандлар бирлаштирилганда, қўшилаётган бандлар учун белгиланган энг кеч муддат ижро муддати этиб белгиланади.

**2026 йил 1 августдан бошлаб босқичма-босқич ўз фойдаланиш хусусиятини  
йўқотганидан сўнг ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг ишлаб чиқарувчилар  
ва импорт қилувчилар томонидан йиғилиши, утилизация қилиниши  
ва (ёки) қайта ишланиши таъминланиши шарт бўлган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Мотор мойлари, компрессор мойлаш мойи, турбина мойлаш мойи.	2710 19 820 0
2.	Гидравлика мақсадлари учун суюқликлар.	2710 19 840 0
3.	Ёрқин рангли мой, вазелин мойи.	2710 19 860 0
4.	Юлдузли узатмалар (шестернялар) мойи ва редуктор мойи.	2710 19 880 0
5.	Пластмассадан тайёрланган товарларни ташиш ёки қадоқлаш учун товарлар; пробкалар қопқоқлар ва бошқа турдаги тиқинлайдиган буюмлар.	(3923 40 дан ташқари)
6.	Ошхона идишлари, ошхоналар ва ошхона жиҳозлари, бошқа уй-рўзғор буюмлари ва пластик буюмлари ёки пластмассадан тайёрланган гигиена ва туалет буюмлари.	3924
7.	Янги шиналар пневматик покришкалар янги резинадан.	4011 10 000, 4011 20, 4011 40 000 0, 4011 50 000 0, 4011 90 000 0
8.	Пневматик шиналари ва покришкалар учун резинадан, қайта тикланган ёки ишлатилган; шиналар ва покришкалар массив ёки ярим пневматик резина, шиналар ва протекторлар.	4012 11 000 0, 4012 12 000 0, 4012 20 000 9, 4012 90
9.	Резинали камералар.	4013
10.	Қопламали, пласстмасса билан шимдирилган ёки ламинатланган қоғоз ва картон (елим бундан мустасно).	4811 49 000 0, 4811 59 000 9
